

## **ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ**

### **ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Абдуваҳобов Аброрбек Бахтиёр ўғли**

Андижон Машинасозлик институти

#### **Аннотация**

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу мақолада озиқ-овқат саноатига халқаро стандартлар жорий қилинса эришиладиган ютуқлар, самарадорлик ва келгусидаги имкониятлар таҳлил қилинади.

**Калил сўзлар.** Сифат менежмент тизими ISO 9001:2015 ISO 22000 стандарти FSSC 22000 / Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг сертификатлаштириш GMP (Муносиб ишлаб чиқариш амалиёти)

#### **Аннотация**

Роль и значение международных стандартов в обеспечении качества и безопасности пищевых продуктов сегодня очень важны. В данной статье анализируются достижения, эффективность и будущие возможности, которые могут быть достигнуты при внедрении международных стандартов в пищевой промышленности.

**Ключевые слова.** Система менеджмента качества ISO 9001: 2015 Стандарт ISO 22000 FSSC 22000 / Сертификация системы безопасности пищевых продуктов GMP (надлежащая производственная практика)

#### **Annotation**

The role and importance of international standards in ensuring the quality and safety of food products is very important today. This article analyzes the achievements, efficiency and future opportunities to be achieved if international standards are introduced in the food industry.

**Keywords.** Quality Management System ISO 9001: 2015 ISO 22000 Standard FSSC 22000 / Food Safety System Certification GMP (Appropriate Production Practice)

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Бизлар халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарсак, ички бозорда ҳам юқори даражада ўрин эгаллаши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сифат ва хавфсизлик босқичи муҳим аҳамиятга эга. Кучли рақобат муҳити юзага келаётган бир пайтда, озиқ-овқат маҳсулотлари турини кўпайтириш баробарида, унинг сифатига

хамда хавфсизлигига асосий эътиборни қаратиш лозим. Чунки, сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат ички бозорда хам, ташқи бозорда хам, ташқи харидорлар учун қулай ва хавфсиз бўлади. Баъзи холларда ишлаб чиқарувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишига, таъм тавсифларига, гохида яроқлилик муддатини узайтириш учун турли қўшимча консервант, технологик қўшимча сунъий хушбўйлаштиргич, таъм кучайтиргичлари қўлланилишининг қўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг асосий параметри истеъмолчи учун хавфсизлиги иккинчи даражага тушиб қолаётганлиги қўпчиликнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Техник жихатдан тартибга солиш тўғрисида" ги қонунида маҳсулот ва хизматлар хавфсизлиги устидан назорат қилиш тегишли давлат органининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги белгиланган. Ушбу қонун талабларига кўра, маҳсулот, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализatsия қилиш ва утилизatsия қилиш жараёнлари, бажарадиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларда инсоннинг ҳаётига, соғлигига, атроф-мухитга, юридик жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида корхона томонидан бошқариш ва назорат қилишни талаб қилувчи зарур хусусиятлар хисобланади.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуидаги стандартлар асосидаги бошқариш тизимлари қўлланилмоқда: ISO 9001:2015 – “Сифатни менежмент тизимлари. Талаблар”, НАССР- “Критик нуқталар назорати ва хавфлар таҳлили”, GMP+ - “Муносиб ишлаб чиқариш амалиёти, тиббиёт ва ветеринарлик учун доривор воситалар и/ч ва сифат назорати талаблари”, ISO 22000:2018- “Озуқа ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимлари. Етказиш занжиридаги ҳар қандай ташкилотлари учун талаблар.”, ISO 22005 – “Озуқа ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжирида кузатувчанлик. Умумий принциплар ва ҳамда тизимни лойиҳалаш ва жорий этишга асосий талаблар”, Global G.A.P. – “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда мужассамланган бошқарув тизими. Integrated Farm Assurance Standard (IFA)” FSSC 22000 – “Food Safety System Certification/ Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг сертификатлаштириш” ва бошқалар.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқсан ва жорий қилган ишлаб чиқарувчи учун ривожланишнинг янги йўллари очилади. Янги бозорларни эгаллаш, истеъмолчилар ишончини қозониш каби омиллар корхона тараққиётига ҳисса қўшади. Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро стандартлари талабларига жавоб берадиган холда маҳсулот ишлаб чиқарилса бизлар нафақат ички бозорда балким, жохон бозоридан хам қониқарли даражада маҳсулотларимиз ўз ўрнини

топиши мүмкін. Ҳозирги кунда бутун дунёда озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Хавфсизликни таъминлаш учун бутун дунёда ISO 22000 жорий қилинмоқда. Мазкур стандарт Халқаро стандарт бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги стандарти. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхона ўз маҳсулоти учун жавобгарликни ўз бўйнига олиши керак. Шундай хатарларни олдини олиш мақсадида 2005 – йили Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ISO томонидан ISO 22000 ишлаб чиқилиб мазкур стандарт “Озиқ – овқат маҳсулотларини хавфсизлик менежмент тизими” деб номланади. Бу стандарт бу соҳада ишлаб чиқилган биринчи стандарт ҳисобланади. ISO 22000 стандарти бутун озиқ-овқат тизимидаги ташкилотларни, маҳсулотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчиларни қуидаги рўйхатдагилар бўйича назорат қиласди:

- Озиқ-овқат саноати учун ингридиентларни;
- Ҳар хил сақлаш муддатига эга маҳсулотларни;
- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки қайта ишлашга таалуқли асбоб-ускуналарни;
- Озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган қадоқлаш материаллари;
- Чорвачилик маҳсулотларини;
- Соҳада қўлланилувчи тозаловчи воситалар.

ISO 22000 ни жорий қилишининг бир қатор афзалликлари бўлиб, бу стандартни ҳар қандай озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхона жорий қилиб қуидаги ютуқларга эришиши мумкин:

- Бутун дунё принципларига асосланган ютуқ;
- Якунда тежамкорликка олиб келувчи фақатгина хавфсиз маҳсулот;
- Хатоларни “тўғирловчи” эмас, улар ҳақида “огоҳлантирувчи” тизим;
- Потенсиал рақобатчилари ўртасида имтиёзларга эга бўлиши;
- Истеъмолчиларни ишончини қозониш;
- Корхонанинг интенсив ўсиши, ўз бозорлари сонини кенгаяди.

FSSC 22000 (Food Safety System Certification/ Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг сертификатлаштириш) –бу озиқ-овқат таъминоти тармоғида озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими учун ишончли, ISO-га асосланган халқаро миқиёсда тан олинган сертификатлаш схемаси.

FSSC асосида сертификатлаштириш ISO 22000, соҳа маҳсус техник «Дастлабки муҳит дастури» (масалан: ISO/TS 22002-1 Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ISO/TS 22002-4 Қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш) ва қўшимча талабларига мувофиқ олиб борилади.

Global GAP стандарти -қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун халқаро стандарт бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, ходимлар хавфсизлиги ва

саломатлигини, ҳамда атроф-муҳит ҳимоя қилишни таъминлашга талаблар ўрнатади. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши мужассамланган менежменти тизимлари /Integrated Farm Assurance Standard (IFA) Version 5/ таҳрири асосида ишлаб чиқилган.

GMP (Good Manufacturing Practice/ Муносиб ишлаб чиқариш амалиёти) тиббиёт ва ветеринария учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назоратидан ўтказишга талаблар.

Жаҳон амалиёти корхоналарда ISO 9000:2015 халқаро стандарти талабалрига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш фаолият самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг кучли воситаси эканлигининг исботидир. Ўзбекистон иқтисодиётида бугунги кунда сифат парадигмаси тобора кучайиб бормоқда ва уни бошқарувда фойдаланиш корхоналарга бир қатор афзалликлар беради:

Биринчидан, тобора кенгайиб бораётган иқтисодий интегратсия ва мавжуд истиқболлар сифатни халқаро алоқа услуби сифатида ҳамда глобал иқтисодий маконга киришни энгиллаштириш воситаси сифатида сифатни доимий равишда ошириб боришга асосланган бошқарувни талаб қиласди;

Иккинчидан, сифат харидорларнинг хоҳиши - истаклари ва талабларига жавоб беришнинг мукаммал тизимини таъминлайди, бу эса маркетингнинг асосий принципига самарали риоя қилиш имконини беради-ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ўрнига сотиладиган нарсаларни ишлаб чиқариш;

Учинчидан, сифатни доимий оширишга асосланган бошқарув бозор жараёнларини жамиятда талаб ва ўзгаришларга мослаштириш тизимини шакллантиради, бу эса умуман корхонанинг барқарор бўлмаган ташқи муҳитдаги доимий ўзгаришларга нисбатан барқарорлигини, мувозанатини ва мослашувчанлигини сезиларли даражада оширади.

Яқин ва узоқни билмасдан мамлакатлар ўртасидаги савдо айирбошлашнинг ўсиши билан дунё бутун дунёда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг тезкорлиги ва янгилиги билан озиқ-овқат савдосида янги шаклга кирди. Ушбу вазият олдида ушбу маҳсулотларни импорт қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотларини бошқариш тизимини кучайтириш ва хавф-хатарларга асосланган бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш учун қонуний чоралар кўрдилар. Ушбу доирада халқаро майдондаги Жаҳон савдо келишувлари мамлакатларнинг ривожланиши ва тартибга солиниши ва янги озиқ-овқат стандартларининг шаклланишига таъсир кўрсатди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида сезиларли ютуқларга эришган ҳатто ривожланган давлатлар ҳам вақт ўтиши билан турли ёъллар билан пайдо бўладиган янги озиқ-овқат хавфини тан олиб, ўз тизимларини янгиламоқдалар.

Ушбу ўзгаришларга жавобан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти озиқ-овқат

маҳсулотлари занжиридаги барча корхоналарни, айниқса ривожланаётган мамлакатларда қамраб оладиган илмий тамойиллар ва қоидаларга асосланган миллий озиқ-овқат назорат тизимини яратишни қўллаб-қувватламоқда.

## **Хуноса**

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб чиқарадиган касалликларнинг пайдо бўлиши ва такрорланиш даражаси ошмоқда. Бошқа томондан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифат мезонларига жавоб берадиган давлатлар ўртасидаги можаролар кучайиб бормоқда. Ушбу ўсиш туфайли озиқ-овқат хавфсизлиги амалиёти халқаро миқёсда муҳокама қилинмоқда. Ривожланган давлатлар озиқ-овқат билан боғлиқ инқирозлар туфайли ўз тизимларини шубҳа остига олишни бошладилар. Натижада, улар озиқ-овқат маҳсулотларини бошқариш тизимини қайта кўриб чиқиши бошладилар. Озиқ-овқат назорати бир нечта тизимлар орқали таъминланадиган ушбу принтспиларда битта ташкилот соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, фирибгарлик ва алдамчиликка ёъл кўймаслик, озиқ-овқат тақлидини ва адолатсизлигини ёъқ қилиш ва савдони энгиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиши керак.

## **Фўйдаланилган адабиётлар**

1. ИСО 9001:2015 Системы менеджмента качества. Требования.
2. ИСО 9004:2018. Менеджмент качества. Качество в организатсии. Руководство по достижению устойчивого успеха
3. Аристов О.В. Управление качеством.-М.: ИНФРА.-М, 2004
4. 14. Тошпўлатов М.М. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш фани бўйича талабалар учун тарқатма маълумотлар.-Т.: ТДТУ, 2008
5. ИСО 9000:2015. Системы менеджмента качества. Основные положения и словарь.